

Кашф нима?



11:00 / 08.08.2022 7710

Унга нисбатан қандай муносабатда бўлиш керак?

Бу ва бунга ўхшаш саволларга тўғри жавоб олиш ҳам тасаввуф оламида катта аҳамият касб этади.

Аҳли тасаввуф мусулмонлардан бирига малоикаларнинг кўриниши ёки уларнинг овози эшитилишини, кўпчиликка эшитилмайдиган баъзи нарсаларнинг эшитилишини, кўпчиликка билинмайдиган нарсаларнинг билинишини «кашф» деб атайдилар.

Бунга Қуръони Каримда ҳам, Суннати мутоҳҳарада ҳам мисоллар бор.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида:

«Эсла, вақтики, фаришталар дедилар: «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени мусаффо қилди, поклади ва оламлардаги аёллар узра танлаб олди. Эй Марям, Роббингга итоаткор бўл, Унга сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қил», деган (42-43-оятлар).

Биби Марямнинг Набий ҳам, Расул ҳам эмасликлари ҳаммага маълум. Аммо Қуръони Каримда фаришталар у киши билан гаплашгани собит бўлиб турибди. Набий ёки расул бўлмаган одам билан фаришталарнинг гаплашиши «кашф» дейилади.

Имом Бухорий ривоят қиладилар:

«Усайд ибн Ҳузайр розияллоҳу анҳу кечаси Бақара сурасини ўқиётган эди. Яқинида оти боғлоғлиқ турар эди. Бирдан от типирчилаб қолди. Қироатдан тўхтаган эди, от ҳам тўхтади. Яна ўқиган эди, от ҳам типирчилади. Ўғли Яҳё яқинида ухлаб ётарди. От босиб олмасин деб, бориб, уни қўлига олди ва бошини осмонга кўтарди. Тонг отгандан сўнг ҳодисани Набий алайҳиссаломга сўзлаб берди.

У киши: **«Ўқи, эй Ибн Ҳузайр»**, дедилар.

У бўлса: «Эй Аллоҳнинг Расули, Яҳёни босиб олмасин деб кўрқдим, унинг яқинида эди. Бошимни кўтариб, унинг олдига бордим. Осмонга қарасам, булутга ўхшаш нарса, ичида чироққа ўхшаган нарсалар ҳам бор. Уларни кўрмай деб, чиқиб кетдим», деди. Набий алайҳиссалом:

«У нималигини биласанми?» дедилар.

«Йўқ», деди. Ул зоти бобаракот:

«Улар сенинг овозингга келган фаришталар. Агар тонг отгунча ўқийверганингда, одамлар уларни кўрса бўларди. Улар беркинмасдилар», дедилар».

Демак, саҳобалар даврида баъзи кишилар Қуръони Карим қироати билан ҳам фаришталарни кўриш имконига эга бўлганлар. Бу ҳам кашфнинг воқелиқда бўлишига яна бир далилдир.

Ҳужжатул Ислом имом Ғаззолийнинг ҳаёт йўлларида ва у кишига ўхшаш бошқа аҳли фазл кишиларнинг тажрибаларида кашф ҳодисаси кўп бўлганига далиллар мавжуд.

Афсусланарлиси шуки, баъзи сўфийлар кашфни шаръий маъносидан бошқа тарафга буриб юборганлар. Уларнинг кашфга нисбатан тутган мавқифлари бир неча катта хатолар содир бўлишига сабаб бўлган.

1. Баъзи жоҳил сўфийлар кашфни Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарага зиёда равишда шаръий масдар деб эътибор қиладилар. Бундан ҳам даҳшатлиси, кашфга соҳиб бўлган сўфийнинг ҳар бир гапини худди ваҳийдек қабул қилиш зарурлигини даъво қилишдир.

2. Бошқа бир тоифа сўфийлар эса кашф берилган киши шариат ҳукмларига амал қилмай қўйса бўлаверади, деган ботил фикрга борадилар. Улар «Ва Роббингга то сенга яқин келгунча ибодат қил» оятини ботил йўл билан таъвил қиладилар ва: «Кашф берилган киши намоз ўқимай, рўза тутмай ва бошқа ибодатларни адо қилмай қўйса бўлаверади», дейдилар.

Ислом уммати ижмоъси бўйича, бу фикрдаги кишилар кофир бўладилар. Чунки ушбу ояти каримада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинган ва ундаги «яқин»дан мурод ўлимдир.

3. Яна бир гуруҳ сўфийлар, кашф берилган шахс нима деса, шуни қилиш керак, деган фикрга борадилар ва шариат амалларини қўйиб, шайхларининг айтганини қилишга ўтадилар. Бунда улар шайхларининг айтгани шариатга тўғри келиши ёки тўғри келмаслигига эътибор қилмайдилар. Худди шайхлари маъсум, ҳамма гапи шариат ҳукми ўрнида ўтадигандек тасарруф қиладилар. Ҳолбуки, кашф синов учун берилган бўлиши ҳам мумкин.

Барча мусулмонлар, айниқса сўфийлар кашф масаласида жуда ҳам эҳтиёт бўлмоқлари лозим.

Кашф – бўлиши мумкин нарса. У Аллоҳ таоло томонидан бандага берилган фазл ёки синов ва имтиҳон бўлади. Кашф ила ақийда собит бўлмайди. Кашф билан янги шаръий ҳукм ҳам собит бўлмайди. Кашф билан ибодат ҳам собит бўлмайди. Кашф Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳара таълимотларига тўғри келса, уни тасдиқлаш мумкин.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(тасаввуф ҳақида тасаввур китобидан)